



"Uz-Texaco" — Жануби-Шарқий Европада мойлаш материаллари тайёрлаш бўйича етакчи "Prista Oil Group" компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда синтетик, ярим синтетик ва минерал мойлаш материаллари ишлаб чиқариш лицензиясига эга бўлган биринчи корхона деб тан олинди.
Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда автомобилсозлик sanoati, транспорт инфратузилмаси жадал ривожланиб бориши баробарида, мазкур жабха учун зарур эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, ёнилли-мойлаш материаллари ишлаб чиқариш, кенг тармоқли сервис хизматлари кўрсатиш қамрови ҳам тобора ошиб бораётди.

ЮҚОРИ СИФАТ, КЕНГ ИМКОНИЯТ



www.prista-oil.com

Маълумки, замонавий автомобиллар, авиалайнерлар, қишлоқ хўжалиги техникалари ва бошқа транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг хизмат муддатини узайтиришда сифатли мойлаш материалларининг аҳамияти катта. Бирок илгари ана шу турдаги маҳсулотлар мамлакатимизга хориждан катта валюта эвазига келтирилган эди. Шу боис ҳукумат қарорига мувофиқ, бозорни сифатли, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбон мойлаш материаллари билан таъминлаш, валюта маблағларини тежаш мақсадида инвестиция дастури ишлаб чиқилиб, мазкур дастур доирасида "Uz-Texaco" қўшма корхонаси ташкил этилди. У қисқа муддатда автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш индустрияси ва бошқа тармоқлар учун зарур маҳсулотлар етказиб берувчи асосий ишлаб чиқариш субъектига айланди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда "Uz-Texaco" "Ўзбекнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси ва АҚШнинг "Шеврон" корпорацияси муассислигида

фаолият юритмоқда. Унинг ишлаб чиқариш базаси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудига жойлашган. Эътиборли жиҳати, бу ерда мойлаш материалларини турли ҳажмдаги металл ва елим идишларга қадоқлаб, етказиб бериш ҳам йўлга қўйилган.

Корхона ишлаб чиқариш базасида дунё тан олган "Шеврон" технологияси асосида юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, бу ерда халқаро стандартларга мос ва ҳозир республикада ягона замонавий синов маркази ишлаб турибди. Шу боис мазкур қўшма корхона маҳсулотларига ISO 9001:2000 халқаро сифат сертификати берилган.

Қувонарлиси, бугун корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хотимлар маҳаллий кадрлардан ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги дунёга машҳур "Texaco" компаниясининг ихтисослаштирилган ўқув марказларида малака ошириб қайтишди.

Ҳозир қўшма корхона томо-

нидан 30 турдаги мотор, гидравлика, трансмиссия ва бошқа турдаги мойлар ишлаб чиқаришмоқда. Айни пайтда кўплаб вазириликлар ва идоралар, "Ўзбекнефтгаз" МХК бўлиmlлари, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси, "Ўздиптранссервис" компанияси, Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқалар корхонанинг доимий мижозлари ҳисобланади.

Қолаверса, "Uz-Texaco" бир қатор йирик sanoat корхоналари ва транспорт компанияларига "URSA" ва "URSA SUPER" туркумидаги мотор мойларини ҳам так-

лиф этмоқда. Зеро, бу маҳсулотлардан замонавий ва қулай "Мерседес-Бенц" йўловчи автобуслари, "ЎзКейс" компанияси тракторлари ва комбайнлари, Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда "Ўзбекқўмир" акциядорлик жамиятининг юк машиналари, мамлакат иқтисодиёти-

нинг турли тармоқларида қўлланиладиган техника ва сурма механизмларда ўн йилдан ортиқ вақт давомида муваффақиятли фойдаланиб келинмоқда.

Доимий буюртмачилар қаторида "СамАвто" акциядорлик жамияти ҳам бор. Мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган "ISUZU" русумидаги автобуслар ва юк машиналарида "Uz-Texaco"нинг сифатли антифризи ҳамда тормоз суюқлигидан самарали фойдаланилмоқда.

Ўз навбатида, қўшма корхона қадоқлаш маҳсулотлари, бутловчи қисмлар етказиб берувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан кооперация алоқаларини ҳам йўлга қўйган.

Эътиборли томони, ушбу қўшма корхона фаолияти республикадаги валютани тежаш имконини бермоқда.

Корхонанинг ташқи бозордаги иштироки ҳам эътирофга лойиқ. Бу ерда тайёрланаётган "Havoline", "Ursa", "Geartex" ва "Rando" каби машҳур брендларга дунё мамлакатларида талаб юқори. Бинобари, бугун

"Uz-Texaco" маҳсулотларининг 70 фоизини Марказий Осиё, Шарқий Европа ва жаҳоннинг бошқа минтақаларига чиқармоқда ва унинг ойлик экспорт ҳажми қарийб 3000 тоннани ташкил этади.

Қўшма корхонанинг "Prista Oil

нинг бу борадаги салоҳиятини оширишга ҳамда бозорни зарур маҳсулотлар билан янада тўлдиришга хизмат қилади. Қўшма корхона бош директори Роберт Л. Хортон эътироф этганидек, замонавий ишлаб чиқариш базасининг мавжудлиги, ажойиб

логистика тармоғи, "Prista Oil Group"нинг энг сўнги русумдаги мойлаш материаллари корхонани Ўзбекистонда синтетик, яримсинтетик ва минерал мойлаш материаллари ишлаб чиқарувчи етакчи компанияга айлантиради.

Роберт Хортоннинг фикрига кўра, "Uz-Texaco" "Prista Oil Group"дан Ўзбекистонда барча турдаги синтетик мотор мойлари ва юқори сифатли мойлаш материалларини тайёрлаш лицензиясини олди. Энди бундан бунён ўзбекистонлик истеъмолчиларга "Havoline" бренди остида "Texaco" маҳсулотлари қаторида янги номлар ҳам тақдим этилади.

Шундай қилиб, Европадаги энг йирик ва жадал ривожланаётган "Prista Oil Group" компа-

нияси (Болгария) "Ўзбекнефтгаз" МХК билан ҳамкорликда "Uz-Texaco" тарақиётида янги қадамни бошлаб берди. Негаки, "Prista Oil Group" "Chevron" корпорацияси билан "Texaco"нинг қатор маркали маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида узоқ йиллар давомида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Умуман олганда, "Prista Oil Group"дек янги ҳамкор билан иш олиб бориш қўшма корхона учун ривожланишнинг барқарор ва самарали истиқболга хизмат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси учун мойлаш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида янги уфқларни очиб беради.

Дарвоқе, "Uz-Texaco" қўшма корхонаси янги "Prista Ultra 5W40" маркали синтетик мойининг дастлабки 10000 литрини буюртмачиларга етказиб беришни бошлади. Маҳаллий истеъмолчилар ҳам ушбу маҳсулотни амалда синиб кўришди ҳамда унинг афзалликларига юқори баҳо беришди. Бундан ташқари, кейинги йил охиригача барча турдаги синтетик, яримсинтетик ва минерал мотор мойларини 5 миллион литр ҳажмда ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

UZ-TEXACO



www.prista-oil.com



Protection.Power.Prista®

Тел.: (+99871) 120-67-76, факс (+99871) 244-03-38

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 249,4 ▲ +1,6 ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 276,4 ▲ +1,4 АРМАТУРА 3083,7 ▼ -43,9 ШИФЕР (1 лист) 16746 ▲ +90 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуңчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.15 Тошпирилди — 03.20 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиш — С. Исмолов.